

**«Чорсу буюм савдо комплекси» акциядорлик
жамияти Кузатув кенгаши йиғилиши баёни**

2024 йил 3 май

Тошкент ш.

Қатнашганлар

Кузатув кенгаши раиси

К.Расулов- “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК Бош
директори ўринбосари

Кузатув кенгаши аъзолари:

Т.Иброхимов- “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бўлим
бошлиғи

Т.Камолов- Акциядор

А.Чоршанбиев- “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК
Мутахассиси

А.Ақромов- “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК
Мутахассиси

Таклиф этилганлар:

Жамият ижроия органи аъзолари, жамият бош бухгалтери, жамиятнинг тегишли
мутахассислари

Йиғилишга Кузатув кенгаши аъзоси К.Расулов раислик қилди.

Кун тартиби:

- 1. Жамият Кузатув кенгаши раисини сайлаш ҳақида.*
- 2. Жамият директори А.Юнусовнинг лавозимидан озод этиш ҳақидаги
аризасини кўриб чиқиш.*

Мажлис раиси кун тартибидаги масала билан йиғилиш қатнашчиларини
таништирди ва йиғилишни очик деб эълон қилди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Т.Иброхимов сўзга чиқиб,
жамиятда 2024 йил 15 апрелда кузатув кенгаши аъзолари янгидан сайланганлиги
муносабати билан уларнинг орасидан кенгаш раисини сайлаб олиш лозимлигини
маълум қилди ҳамда ўтган йили кенгаш раиси сифатида кенгаш ишини ташкил
этган К.Расулов номзодини бу йил ҳам кенгаш раисини сифатида фаолият
кўрсатишини таклиф этди.

Таклиф овозга қўйилди ва бир овоздан тасдиқланди.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича кенгаш раиси К.Расулов сўзга чиқиб,
жамият директори 2024 йил 3 майда ариза билан мурожаат этиб, ўз хохишига кўра
эгаллаб турган лавозимидан озод этишни сўраганлигини маълум қилиб кенгаш
аъзоларидан фикр билдиришларини сўради.

Кенгаш аъзолари ушбу масалани кўриб чиқишиб, эътироз йўқлигини айтишди ҳамда жамиятнинг ишини белгиланган тартибда давом эттиришни таъминлаш мақсадида жамият директорининг биринчи ўринбосари М.Султонов зиммасига жамият директори вазифасини вақтинча бажаришни юклатилишини маълум қилишди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Кузатув кенгаши

Қарор қабул қилди:

1. Жамият Кузатув кенгаши раиси этиб, К.Расулов сайлансин.
2. Жамият директори А.Юнусов аризасига кўра 2024 йил 3 майдан эгаллаб турган лавозимидан озод этилсин.
3. Жамият директорининг биринчи ўринбосари М.Султонов зиммасига 2024 йил 4 майдан жамият директори вазифасини вақтинча бажариш юклатилсин.

Мажлис раиси

Баёни олиб борди


К.Расулов

И.Урунбоев

Кузатув кенгаши аъзолари:


Т.Иброхимов

Т.Камолов

А.Чоршанбиев

А.Акромов

Кузатов
Синдicates
03.05.2024

Кузатов кенесини
решиши

"Чорлу Булои Соҳро
Комплекси" АЖ
директори Юнусов, А.
Зои

Друзья,

Маши 2024 йил 3 май кунидан
тоққаб турон еловизимдан озор
Эминетизин ва мен билан тузил-
ган мақсад шартномадаги бекор
қилинган эрайдон.

03.05.2024 й.

А.Юнусов